



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 6 ноябрь, № 216 (4626)

Пайшанба

БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5 ноябрь кунни давлат ташири билан Ўзбекистонга келди.

Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашди. Президентлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга доир масалаларни, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни муҳокама қилдилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Болгария ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзолашни режалаштирилган.

(ЎзА).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ОШКОРАЛИК РУҲИДА ЎТМОҚДА

Олот туманидаги Асажам маҳалла фуқаролар йиғини мамлакатимизнинг энг чекка маҳалларидан. 2570 киши истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада ободончилик, тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Худудда, хусусан, томорқа ҳўжалиги ривож топаётган. Асажамлик дехонлар сабзавот, мева-чевани нафақат туман маркази, балки Бухоро, Когон шаҳарлари бозорларига ҳам етказиб беришапти. Сув таъминотининг яхши йўлга қўйилгани ҳам айни мuddа бўлди. Хуллас, ҳар бир хайрли ишда маҳалла фаолларининг хизмати яққол сезилиб турибди.

Яқинда бу ерда маҳалла йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Унда фуқаролардан сайланган 44 нафар вакил иштирок этди. Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси Камол Жумаев вакиллари тақдим этилган номзодлар билан таништириб, сайлов тартиби ҳақида тушунча берди.

— Бугун маҳалламизга энг муносиб номзодни раисликка сайлашимиз керак, — деди йи-

ғилишда сўз олган вакил Шойимқул Яхшиев. — Ташаббускор, ўзгалар ташвиши билан яшайдиган, ҳалол инсонни ўзимизга етқизиш айни ҳақиқат, унинг савий-ҳаракати, бизнинг кўмагимиз билан маҳалламиз фаизига фойда қўшилади.

Уз навбатида, йиғилишда сўз олган Сафар Саҳатов, Иброҳим Жумаев, Фармон Ҳамроев сингари вакиллар худудда ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлигини эътироф этишди, янги раис кўпчиликлари бош бўлган ҳолда улар учун ечим топишига ишонч билдиришди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб С. Расулов сайланди. Вакиллар оқсоқолнинг 7 нафар маслаҳатчиси учун ҳам овоз бердилар.

Вилоятдаги бошқа маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам сайлов ана шундай очиқ-ошкора, муқобиллик асосида ўтди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОФИСТОНДАГИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига пойтахтимизнинг Учтепа туманида ҳам қизгин ҳозирлик кўрилмақда.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари томонидан маҳаллаларда учрашувлар ўтказилиб, сайловнинг аҳамияти ҳақида аҳолига тушунтириш берилмоқда.

Богистон маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ана шундай учрашувда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари аъзолари, жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъриий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Узини ўзи бошқариш институти одамлар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, азалий қадрият ва аънаналарни сақлаш ҳамда ривожлантириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ана шу вазифаларни бажаришга салоҳияти етарлиган, халқ орасида обрў-эътиборга эга кишиларни сайлаш лозимлиги қайд этилди.

Т. ЗИКИРОВ,
(ЎзА).

ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бугунги юксак талаблар даражасида ташкил этилган Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази ҳам мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилган ана шу ислохотларнинг аjoyиб самараларидан биридир. Президентимиз Фармонга биноан қисқа вақт ичида ташкил этилган мазкур даволаш му-

ассасасининг моддий-техник базаси мустаҳкамлашиб, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди.

Марказда мутахассисларнинг ма- лака ва маҳоратини ошириш, жаҳон илм-фани ва тиббиётни ютуқларини амалга кенг татбиқ этиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ана шу савий-ҳаракатлар самараси ўларок, мамлакатимизда тиббиёт илмининг бошқа йўналишлари қатори офтальмология соҳаси ҳам жадал ривож топмоқда. Марказда кўз касалликларини ўз вақтида аниқлаш, унинг олдини олиш ва даволаш борасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Олиб борилаётган тинимсиз изланиш-

лар туфайли кератопластика, коенотрансплантация сингари янги ва нобў усуллар даволаш жараёнига татбиқ этилаётган. Бундай илмий янгилар нафақат хасталикларнинг олдини олиш ёки аниқ ташхис қўйиш, балки бемор кўзига нур бахш этиб, уларни соғлом ҳаётга қайтариш йўлида ҳам хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар, қилинган ўзгариш ва янгиларга назар ташласак, уларнинг натижасидан киши кўнгли беихтиёр ифтихорга тўлади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш тизими янада тўлиқ қайта кўриб чиқилди.

Тиббиёт

Дарвоқе, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказида 50 ўринли стационар, учта жаррохлик зали мавжуд. Бундан ташқари, марказ қошида кунига қарийб 200 нафар беморга консултив-диагностик хизмат кўрсатишга мўлжалланган поликлиника ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Марказ мутахассисларининг кўз микрохирургияси соҳасидаги илм-фанни янада тараққий эттириш, ҳозирги замон офтальмологиясини бунданроқ юксалтириш билан боғлиқ илмий изланишлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Зеро, мамлакатимиз раҳбари бошчилигида яратилаётган имконият ва имтиёзлар, қолаверса, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, инсон саломатлигини асрашга бўлган чексиз ғамхўрлик тиббиётчиларимизни улкан муваффақиятлар сари ундамоқда.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР: САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК»

Юртимизнинг Сингапурдаги элчихонасида шу мавзудаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда ушбу мамлакатнинг «Universal Travel» сайёҳлик операторлари гуруҳи, «Ik Chin Travel», «Sino-America Tours Corporation», «Five Star Tour» каби бир қатор сайёҳлик агентликлари вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил январь ойида Сингапурга буюрган таширифи икки мамлакат муносабатларида муҳим воқеа бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилганини таъкидлашди. Уз навбатида, Сингапурнинг энг нуфузли олий ўқув юртлиридан бири — Менежментни ривожлантириш институтининг хориждаги илк бўлими айнан Тошкентда очилгани, Сингапур Ўзбекистон билан дўстлик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётганидан далолатдир. Сингапурдаги йирик компаниялар раҳбарлари Ўзбекистонга мунтазам равишда ташир буюриши ҳам юқоридаги фикр-

нинг яна бир тасдиғидир. Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, Сингапур миллий сайёҳлик агентлиги томонидан жорий йил август ойида ташкил этилган «НАТАС-2008» халқаро сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистон вакилларининг иштироки Сингапур аҳолисига мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш имконини берди.

Учрашувда «Universal Travel» сайёҳлик операторлари гуруҳи бош директори Боу Лат Ку сўзга чиқиб, Ўзбекистонда бугунги кунга келиб шакллантирилган инфратузилма сайёҳлик саноатининг энг юқори талабларига жавоб беришини таъкидлаб ўтди. «Бугун сайёҳлик бозорида кўнгилочар саноатдан кўра, маърифий сайёҳлик, тарихий ва муқаддас жойларни зиёрат қилишга бўлган қизиқиш кучайгани кузатилмоқда. Бу борада ислом маданиятининг марказларидан бири бўлган Ўзбекистонда хорижий сайёҳларни жалб этиш учун катта имкониятлар мавжуд», деди у.

Б. Л. Кунинг мулоҳазаларини «Five Star Tour» сайёҳлик агентлигининг раҳбари Женни Лим охирида эътириб, Ўзбекистонда ишбилармон сайёҳлик борасида ҳам катта имкониятлар мавжудлигини қайд этди. «Ўзбекистонга бораётган сингапурлик ишбилармонларнинг аксарияти сафар дастурига Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳатни ҳам қўшишни сўрашади», дейди Ж. Лим хоним.

«Ik Chin Travel» сайёҳлик агентлиги катта менежери Киан Тохнинг айтишича, хорижий меҳмонларда доим ўзбек халқининг самимийлиги ва меҳмондўстлиги катта таассурот уйғотган. «Кўп асри тарихга эга бўлган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар бутун дунё сайёҳларини ўзига мафтун этиб келади, — дейди

К. Тох. — Тошкентнинг 2200 йиллиги нишонланиши муносабати билан эса биз сингапурлик сайёҳларга Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб махсус турлар ташкил этиш ниятидамыз.

Айни пайтда Сингапур мусулмонлар сайёҳлик хизматлари ассоциацияси зиёратчиларни умра ва ҳаж сафарлари олдида Ўзбекистондаги Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк диний арбоблар мақбараларини зиёрат қилишга таклиф қилишга ушбу ишломда.

Тадбир давомида иштирокчилар эътиборига мамлакатимизга бағишланган хужжатли фильм намойиш этилди. Давра суҳбати якунида «Universal Travel» сайёҳлик операторлари гуруҳи мамлакатдаги бошқа агентликлар билан биргаликда Ўзбекистонни Сингапур сайёҳлик бозорида тарғиб этишга ихтисослашувчи консорциум тузиш мақсадида эканини маълум қилди.

«Жаҳон» АА,
Сингапур.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

«Гиссарнефгаз» қўшма корхонаси Қашқадарё вилоятида жойлашган Шимолий Йишон қонида газ конденсати қазиб олишни бошлади.

Янги кон ўзлаштирилди

Дастлабки синов натижаларига қараганда, бу ерда 3480 метр чуқурликдан кунига 450 минг кубометр газ қазиб олиш мумкин.

Ҳозирда «Гиссарнефгаз» табиий газ қазиб олишни кунига 16,8 миллион кубометр, суяқ углеводородни эса 1725 тоннага етказди. Қўшма корхона томонидан қазиб олинаётган барча табиий газ хорижга экспорт қилинмоқда. Нефть ва газ конденсати эса қайта ишлангандан сўнг ички бозорга чиқарилаётган.

Ю. УЛАШЕВ.

Амалий Маслаҳатлар Дастури (BAS) Ўзбекистонда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришни рағбатлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

BAS дастури — амалиётга

Европа Ривожланиш ва Тараққиёт банкнинг фаолияти доирасида ҳамда Япония ҳукумати кўмағида рўйбга чиқарилаётган мазкур дастурнинг Бухородаги минтақавий филиали маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Консалтинг — бизнесни раванқ топтириш воситаси» мавзуда семинар ўтказди. Унда ўзбек-япон маркази консултант Джин-Ичи Икеда, Тошкентдаги SAVA CONSULT компанияси директори Елена Киселева ва бошқалар консалтинг хизмати хусусида ўз тажрибаларини журналистлар билан ўртоқлашдилар.

И. ИСТАМОВ.

Намангандаги «Муштарий» ҳиссадорлик жамиятининг бюртмалар портфели 425,5 миллион сўмлик янги шартномалар билан тўлди.

«Муштарий»га ишонч

Бюртманинг 207 миллион сўмлик корхона чеварлари бир неча йилдан буюн сифатли маҳсулот билан таъминлаб келаётган Мудофаа вазирлигига тегишли. Ички ишлар вазирлиги ҳам ўзининг навбатдаги 186 миллион сўмлик хизмат либосларини «Муштарий»да тиктиришни лозим топди. Корхона Тошкентда ўтказилган тендер савдоларида имзолаб қайтган шартномалар орасида харбий лицейларнинг ўқувчиларига мўлжалланган кийимларни тайёрлаб бериш бўйича 32,5 миллион сўмлик бюртма ҳам бор.

Корхонада жорий йилнинг ўтган ойларида 882,9 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланиб, бўлтурғига нисбатан уч фоиз ўсишга эришилди.

К. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИШ ЎРИНЛАРИ КўПАЙМОҚДА



2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда

545,2 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Жойларда мақсадли комплекс ривожлантириш дастурларини изчил амалга ошириш юзасидан кўрилган аниқ чора-тадбирлар туфайли шундай натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 17 мартдаги Фармони билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ташкил этилиши суд ҳокими тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

ОЛИЙ МАЛАКА КОМИССИЯСИ

судларнинг самарали фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этади

— Истиклол йилларида суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мақодини ошириш, одил судлов таъминлашни таъминлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жинсий ҳазонни либераллаштириш ишлари босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. — дейди М. Сафаров. — Айниқса, умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши одил судлов сифатини ошириш имконини берди. Ишларни қўриб чиқиш бўйича апелляция институтини жорий этилиб, касация институтини ислоҳ қилинди. Шунингдек, суд жараёнида ҳимоя ва айллов томонининг тенглигини таъминлайдиган механизм яратилди.

2000 йил 14 декабрда янги таърирда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни суд тизимини тубдан ислоҳ қилишда катта аҳамият касб этаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига асосан, Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилган. У судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва молиявий жиҳатдан таъминлашга ҳизмат қилиб келаётган. Президентимизнинг шу йил 23 июнда "Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича татқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган эди. Ушбу Қарор асосида ташкил этилган татқиқот маркази мамлакатимиз қонунчилиги базасини таҳлил қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд амалиётини ўрганиш, жамий ва маъмурий жазо тизимини янада либераллаштириш, одил судлов тизимини таъминлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади.

— Сиз раҳбарлик қилаётган

ари, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига асосан, Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилган. У судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва молиявий жиҳатдан таъминлашга ҳизмат қилиб келаётган. Президентимизнинг шу йил 23 июнда "Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича татқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган эди. Ушбу Қарор асосида ташкил этилган татқиқот маркази мамлакатимиз қонунчилиги базасини таҳлил қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд амалиётини ўрганиш, жамий ва маъмурий жазо тизимини янада либераллаштириш, одил судлов тизимини таъминлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади.

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 17 мартдаги Фармони билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ташкил этилиши суд ҳокими тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

— Комиссия судьяларни танлаш ва жой-жайга қўйишнинг демократик асосларини таъминлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Батафсил айтиладиган бўлса, комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, судьяларнинг тарбиялаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади. Бу борадаги ишларнинг ошқоралигини таъминлаш, судьялар заҳирасини шакллантириш, уларни танлаш ва жой-жайга қўйишнинг демократик асосларини таъминлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

— Комиссиянинг мақсад ва вазифаларининг мазмунини аниқ белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқдамиз. Мисол учун, ўтган давр мобайнида комиссия томонидан танланган номзодлар масаласида 30 марта йиғилиш ўтказилган, уларнинг муносиблари судьялик лавозимларига тавсия этилган. Шунингдек, иш юритишда сустлашқинча йўл қўйган баъзи судьяларнинг ваколатлари муддатидан олдин тугатиш ҳолатлари ҳам учраб турбди.

ДАСТУРХОНИМИЗ ФАЙЗУ БАРАКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган "Озиқ-овқат эканлиги рақобатдорлигини таъминлаш, таъминотни оқиллаштириш ва уларни етиштиришни қўлайлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан танитиб чиқиб, бу биз, фермерлар эмин-эркин ишлаши учун имкон берадиган яна бир дастуриламал эканлигига амин бўлдим.

Бир-биридан кўнгли сўраш, узаро меҳр-оқибат, эҳтиёж-мандаларга мадад кўрсатиш эзгу удумларимиздан. Халқимизга хос бу ажойиб фазилатлар ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги изчил сиёсати билан уйғунлашиб янада чуқур илдиэ отди.

САВОБДАН КҮНГИЛ ЯЙРАЙДИ

Айтиш мумкинки, бугун жамиятимиз аъзоларининг ҳеч бири эътибордан четда эмас. Айниқса, ўзгалар парварчишига муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этиш юзасидан амалга оширилаётган савобли ишларни ҳар қанча эътироф этсак арзийди.

Саховатпеша инсонлар ўқик кўнглилардан мунтазам хабар олиб, уларнинг турмушдаги муаммолари ечимига ҳам елка тутиб беришяпти. Яқинда шундай меҳр-оқибатдан кўзлари кўнган Мингбулок туманидаги Опитиқал қишлоғида яшовчи Ойнимисо Йиғиталеванинг хондонидан бўлди. Унга ҳам-қилишго, фермер Абдуваҳоб Қодиров икки хонали шинамгина уй қуриб берибди, кўриб ҳавасингиз келади. Эъти-

ЙОДЛАНГАН ОШ ТУЗИ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Инсон саломатлигига жиддий хавф солиши, турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган йод танқислиги муаммосининг олдини олишга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

А. ОРТИҚБОЕВ, ўзА мухбири.



«Хўжаобод» маҳсулотларига талаб ортмоқда

Мамлакатимизда энгил санотни ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли ички бозор бу тизимда ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар билан бойиб бораёпти. Балиқчи туманидаги «Хўжаобод» масъулияти чекланган жамиятида реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ишлари амалга оширилган, 15 турдаги юқори сифатли спорт кийим-кечаклари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 200 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган мазкур жамиятда шу йил охиригача 700 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган.

СУРАТДА: илғор тикувчи Мавлуда Исмоилова.

Шухрат ОЛИМОВ (ўзА) олган сурат.

ШАҲС ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Юртбошимизнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонининг ижроси бўйича жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар, илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Гулистон давлат университетида ўтказилган семинар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамиятига бағишланди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ва туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва-

киллари, университетнинг профессорлари иштирок этиди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахс ҳаққончилигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада дунё таърибисини ўрганиш

ва ҳаётга кенг татбиқ этиш, халқро ташкилотлар билан ҳам-корлик яхши самара бермоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мақолатлари сўраб қолди: «Домла, сиз сиёсатга қизиқасизми? Кўпчилик ҳар хил кроссворд, гороскоп қақидиган газеталарни сўрайди, сиз эса...» Бу савол мени ўйлантириб қўйди.

Д. ЭСОНОВА, ўзА мухбири.

борли жиҳати, кунда амалга оширилаётган бундай савобли ишга қўл урган оқибатли ҳамюртларимиз вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўплай учрайди. Улар ўзлари хонийлик қилаётган инсонларга жорий йилнинг ўтган даврида ярим миллион сўмликдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатди. Жумладан, 130 нафар ёлғиз пенсионер ва ногиронларнинг турар жойлари таъмир-лариб, киши мавсумига тахт холга келтирилди.

Анваржон ОТАХҲУЈАЕВ, Наманган вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиги.

ҚАЛЬ ЗИЁСИ

Наҳотки, одамлар ҳаётимиз кўзгуси бўлган матбуотга юзак қараши. Ахир «Халқ сўзи» да инсоннинг маънавий олами бийтадиган қандайдан-қанда мақолатлар чиқади. «Кўнгли хийбони», «Энг гулган ёшлик чоғимда», «Спортнинг сирли олами», «Юзма-юз» каби саҳифалар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Ойда бир тўпладангина тенгдошлар давраримиз бор. Утиришмиш бошланар-бошланмас улфатларим «Қани, Абдуборийхон, газеталар ни-

бир нарсасини йўқотган одамдай юраман. Ёзда Бўстонлик туманидаги бир оромгоҳда дам олдим. Ҳар кун шаҳарга чиқётган одамларга газета олиб келишни тайинлаб қоламан. Ҳатто менинг бу ҳафсаламдан қулганлар ҳам топилди. Кечи-

қурлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида сўзладилар. Семинарда миллий қонунчилигимизнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамохан жиҳатлари, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларнинг мақсад ва натижаларини кенг оммага етаклаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

Абдуборий РАҲИМОВ, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани.

Муносабат қовун етиштириб, уни қайта ишлаш орқали ички бозорни ривожлантириш, ташқи бозорга тайёр маҳсулотни экспорт қилишни тақозо этмоқда. Буни амалга ошириш учун ҳар биримиз жаҳон андозалари асосида иш юритадиган тадбиркор, билим ва салоҳиятга эга бўлишимиз шарт.

Яна бир гап. Ҳар бир фермер, албатта, Фармондаги «тегишли равишда пахта майдонларини қисқартитиш» деган жумларни ўқиб, оддий ҳулосага бормаслиги лозим. Сабоби, унда таъкидланганидек, мамлакатимизда фермерлар пахта етиштириш борасида азалдан бош таърибага эга. Пахта хом ашёси — ўзбек толасига бўлган талаб жаҳон бозоридан ҳамон юқори. Қолаверса, пахта мойи рўзгорига асқо-тади: Ундан олинладиган омухта ем, шрот ва шелуханинг чорва учун муҳим озуқа эканлигини ҳаммадан кўра биз яхши билемиз: ҳўжалигимизда боқил-диган 1 минг 300 бош қорамолга ҳар кун уртача 3-4 тоннагача шундай маҳсулотлар керак. Шунинг учун бу соҳани янада изчил ривожлантириш бизнинг олдимишдаги энг долзарб вазифадир. Буни «Ерим бор, мулк — меники» деган фермер ушуниси, амалий меҳнати билан исботлаши зарурлигини Фармон билан танитиш ҳар бир киши теранроқ ҳис этади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, Юртбошимиз имзолаган ушбу Фармон ҳар галгидек иктисодийимиз ривожига ҳисса қўшиб, биринчи галда инсон манфаатларига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Аҳмад НАРЗУЛЛАЕВ, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор.

Жиззах томонларда

Ҳуқуқий билимлар тарғиботи

Жиззах вилоятида республика Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Республика Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Омбудсманнинг вилоятдаги вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари масъул ходимлари, «Камолот» ЕИХ фаоллари, ўқувчи ва талаба ёшлар иштирок этган тадбирда Адлия вазирлиги ходимлари Конституцияимиз, қонунларимиз, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий мажмуалар тўғрисида маърузалар қилишди. Семинарда му- тахассисларнинг бу борадаги шарҳлари тингланди.

Қишга маҳсулот етарли

Бу йил вилоятда қиш мавсумига 13015 тонна мева-сабзот, полиз маҳсулотлари жамғариш кўзда тутилган. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасаларини бевоқифа мазкур маҳсулотлар билан таъминлашга маъсул бўлган «Матлуботсавдо», «Гуштсавдо» корхоналари ҳозиргача 7 минг тоннадан зиёд маҳсулот тўпладилар. Қишга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари жамғариш ва сақлаш билан йирик корхона-ташкilotлар, «Улғуржавдон-вест» ассоциацияси ҳам шуғулланмоқда. Бозорлар уюشمаси эса қишда савдога чиқариш учун фермер хўжалиқларидан сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиб, жамламоқда.

Баҳридин САТТОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Барқарорлик тадбирлари

Австрия ҳукумати мамлакатдаги «Kommunikredit» банкига тегишли 99,78 фоиз акцияни сотиб олди. Давлат шу йўл орқали молия муассасасини иқтисодий инкироз ва кредиторлар ихтиёрига ўтиб кетишдан сақлаб қолмоқда, дейилади «AFP» хабарида.

Носозлик оқибати

Ереван шаҳридаги Эребуни аэропортида «МИ-24» ҳарбий вертолети ҳалокатга учради.

Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Арманистон мудофаа вазирлиги матбуот котиби полковник Сейран Шахсуваранинг айтишича, ўқув машғулотларини ўтатиш жараёнида вертолётда носозлик келиб чиққан ва у ерга қўлаб тушган.

Марафонда фожиа

Ҳар йили Нью-Йорк шаҳрида аънавий ўтказиб келинаётган оммавий югуриш марафони бу гал фожиа билан якунланди.

Мусобақа иштирокчиларидан бири, 58 ёшли Бразилия фуқароси Карлос Хосе Гомес марафони охирида қўлаб тушди. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Автобусда ёнгин

Германиянинг Ганновер шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда йўловчи ташувчи автобус ёниб кетган.

Бахтсиз ҳодиса оқибатида автобусдаги 20 та йўловчи ҳалок бўлган, 12 нафари турли даражада тан жароҳати олган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодисанинг манбаини аниқлашга ҳали қарор қилмаган.

Денгиз соҳилида zilзила

Қора денгиз соҳилларида ер силкиниши кузатилди.

Бу ҳақда Россия Фавкулда вазирлигининг жанубий минтақавий маркази ахборотига асосан «Интерфакс» хабар тарқатди.

Заводда портлаш

Кемероводаги «Азот» ОАЖ корхонасида портлаш содир бўлди.

«REGNUM» хабарига берилишича, портлашдан сўнг бинодо ёнгин юзага келган. Ёнгин корхонанинг 150 квадрат метр майдонига ziён етказган. Бахтсиз ҳодиса эрта тонгда содир бўлгани боис ишчилардан ҳеч ким зарар кўрмаган.

Марадона футболга қайтди

Афсонавий футболчи Диего Марадона Аргентина терма жамоаси бош мураббийи этиб расман тайинланди.

Бу ҳақда «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги Аргентина футбол уюшмаси матбуот хизмати маълумоти асосида хабар тарқатди.

000 «Росагропромснаб» предлагает: СЧЕТЧИКИ ГАЗА

Ультразвуковые «Гобой-1» Цена - от 1 300 000 сум. Таблица характеристик: Ду, мм; Типоразмер; Мин. расход; Максим. расход.

Бугунги кунда дунё матбуотида экологик мавзуга доир шовшувли хабарлар тез-тез кулоққа чалиниб турибди. Дейлик, умуман қор ёғмайдинган иссиқ ўлкаларга қор тушгани, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетгани ёки осмоний йиллаб қуёш кўрмайдинган совуқ мамлакатларда жазирама ҳукм сураётгани ҳамда бунинг оқибатида катта-катта иқтисодий ва молиявий эврилишлар содир бўлаётгани хусусидаги хабар ва янгиликларни эшитиш одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Иқлим ўзгаришлари: ТИЛСИМ ВА ЕЧИМ

Сир эмас, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг кескин тараққиёт этиши ва бунинг натижаси ўлароқ атроф-муҳитга чиқарилаётган чиқиндилар ҳажмининг ошиши, ўз навбатида, она табиатга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмапти. Бу таъсирларни бугун дунё аҳолиси кундалик ҳаётида кўриб, биллибгина қолмай, унинг жабрини ҳам тортимоқда.

кўламли ҳамкорлиги ва парник газларини қисқартириш йўлида халқаро миқёсда ўтказилаётган чора-тадбирларда фаол иштироки талаб этилади. Бирок орадан етти йил ўтгандан сўнггина — 1997 йил декабрида келиб мазкур Конвенция талабларини амалда ижро этишга киришилди. Яъни ўша ойда



2002 йил август-сентябрь ойларига келиб ЮНЕСЕД Йоханнесбургда Бутундунё саммитини ташкиллаштирди. Унда асосий эътибор БМТ Конвенцияси ва Киото протоколидаги шартлар ҳамда мажбуриятларнинг бажарилишига қаратилди.

Шарҳ

Шу пайтга қадар унинг ижроси пайсалга солиб келинди. Сабаби, ушбу халқаро ҳужжатдаги шартларга амал қилиш деярли барча мамлакатлар иқтисодий таъсир, хусусан, саноатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Киото протоколининг аҳамияти жиҳати шундаки, ривожланган давлатлар экологик хавфсиз технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва ривожланаётган мамлакатларга ушбу турдаги технологияларни етказиб бериш орқали парник газлари ҳажминини камайтиришга келишиб олишди.

кўрсаткич камида 70 миллиард долларга ошиши мумкин. Бугунги кунда қирғоқчилик, сув тошқинлари ва ёнгинлар сабаб қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги 42 миллиард долларга яқин миқдорда зарар кўрди. Ушбу кўрсаткич эса 1990 йилдагидан икки баробар кўп деганидир. Парник газларининг атмосфера-ни булғаша Европада ҳам касалликлар ва ўлим ҳолатларини нисбатан кўпайишига сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, экология тизимининг бузилишига, биринчи навбатда, инсониятнинг ўзи сабабчи бўлиб қолмоқда. Яна бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, одам табиат олдига унчаллик оҳиз эмас. Фалокатнинг олдини олиш ва талафотлар ҳажминини камайтириш учун бутун дунё мамлакатлари аҳоли ва бирдамликда курашсагина самарали натижаларга эришиши мумкин.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНИЯТЛАРИ. ТАШКИЛОТЧИ — ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА. БИЗНЕС-ФОРУМ — 2008 7 ноябрь Гулистон шаҳри. Катнашчилар: Савдо-саноат палатаси, «Узинфинвест» агентлиги, Давлат мулк қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, хорижий давлатлар иқтисодий ваколатхоналари, инвестицион компаниялар, тадбиркорлик доираси вакиллари, тижорат банклари.

Хорижий оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда кечаятган жараёнларни кенг ёритишда давом этмоқда.

ПОКИСТОН НАШРЛАРИДА ЎЗБЕКISTON МАВЗУСИ

Покистоннинг инглиз тилида чоп этиладиган марказий нашрларидан бири «The Nation» газетасида «Ўзбекистон: тараққиётнинг 17 йили. Янги марралар ва мақсадлар сари» сарлавхали катта мақола чоп этилди. Унда мамлакатимиз мустақиллик йилларида очилган дунёвий ва демократик жамият қуриш борасида салмоқли натижаларга эришгани таъкидланади.

Хизмат

«Ўзбекивест» суғурта компаниясида суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «Ишонч телефони» линияси ишга туширилди.

Энди мижозлар 233-05-46 рақамини териб, компания ва унинг бўлимлари фаолиятига оид ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдиришлари, шикоятларини баён этишлари мумкин. Қўндан кунга юридик ва жисмоний шахсларга кенг суғурта хизматлар турини тақлиф этаётган компания ҳамда мижозлар учун бу ишончли боғланиш катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Зеро, истеъмолчилар ҳуқуқи кафолатланган, улар хоҳиш-истаклари инноватга олинган ҳар бир даргоҳда иш унуми ошиб бораверади.

ЎЗБЕКISTON ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИНING 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ,

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жағфармаси, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури, Европа Иттифоқининг Бомба КАДАП4 дастури билан ҳамкорликда

«Ижтимоий телерадиороликлар 1-Миллий фестивали» ЁЗЛОН ҚИЛИНАДИ.

- Фестиваль куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади: - Инсонпарварлик ва меҳр-муруват. - Умуминсоний қадриятлар, асрий аъналар ва ўзбек халқининг урф-одатлари. - Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси. - Аҳолини парранда гриппининг салбий оқибатларидан оғоҳ этиш. - Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш. - Гўёҳандликнинг салбий оқибатлари ҳақида аҳолини оғоҳлантириш. - Сен азиз ва муқаддассан, аёл.

Танловда телевидение, радио ижодкорлари, журналист ва режиссёрлари, мустақил ижодий гуруҳлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин. Ҳоллардан ҳар бир номинация бўйича қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Энг яхши видеороликлар учун: 1-ўрин — рақамли видеокамера; 2-ўрин — монтаж компьютери; 3-ўрин — телевизор. Энг яхши аудиороликлар учун: 1-ўрин — монтаж компьютери; 2-ўрин — телевизор; 3-ўрин — DVD плеер.

Танловга материаллар DVD дискида AV форматда ролик матни билан жорий йилнинг 25 ноябригача қабул қилинади.

Манзил: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Х. Олимжон майдони, Фарбий томон, «Пойтахт» бизнес-мажмуаси, 4-йўлак, 2-қават. Мурожаат учун телефонлар: 237-28-32, 237-29-38.

«Ижтимоий телерадиороликлар 1-Миллий фестивали» — бу биз кутган имкониятлар манбаидир. Имкониятни қўлдан бой берманг!

Эътироф

воқланишига, жамиятнинг демократлаштириши, мамлакатнинг кучли ва буюк келажакни барпо этишига ўз хиссасини қўшишига ҳамда «The Post» газетаси саҳифаларидан «Ўзбекистонда 2008 йил биринчи раундда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари» мақоласи ўрин олган. Ўзбекистоннинг жорий йил биринчи ярмидаги микро ва макроиктисодий кўрсаткичлари хусусида ёзиб, муаллиф макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши ялли ички маҳсулотнинг жорий йил биринчи ярмида 9,3 фоизли ўсишига олиб келганига эътибор қаратади. Газетанинг «Ўзбекистон ривожланиши ва тараққиёт йўлида» мақоласида мамлакатда яратилган қўлай сармоявий муҳит тўғрисида иқтисодий кўрсаткичлар жадал ўсватини таъкидланади. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касбачиллик ривожини қўллаб-қувватлаш натижасида ярим йил давомида йил бошига нисбатан сезиларли ўсишга эришилди», деб ёзади нашр. Мамлакатимизга бағишланган мақола ва фоторепортажлар, шунингдек, «Weekly Pulse», «Makalama», «Vipuskik» ва Покистоннинг бошқа нашрларида ҳам ёзлон қилинган.

«Жаҳон» АА. Исломобод.

«O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi» — «Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан» журналига 2009 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. Ахборотнома саҳифаларида: Ўзбекистон Республикаси қонунари; Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари; ҳўжалик ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари; чет эл арбитраж ва ҳўжалик судлари тажрибаси; қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.

РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР — «GRAND MOTORS» МЧЖ TOYOTA va LEXUS русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади. Кафолат: TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.; LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км. Тўлов шакли — турлича. Лизинг. Автоавлон манзили: Тошкент ш., Боруний к., 2-уй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

